2013 йил 24 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 17 (12.328)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Туризм

## ЯХШИ ГИД БИЛАН САЁҲАТ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

***Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаси сингари сайёҳлик ҳам изчил ривожланмоқда. Бугун мамлакатимизда сайёҳларга тарихий-маданий йўналишлардаги саёҳат турларидан то экстремал туризмга доир кўплаб хизмат турлари таклиф этилаётир. Туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида малакали мутахассислар, профессионал гидларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли Республика илмий-ўқув консалтинг марказининг ўз ўрни бор.***

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гид хизмати – сайёҳлик бизнесининг талаб катта соҳаларидан. Зеро, ҳар бир сайёҳ бошқа мамлакат ёки шаҳарга борганида гид ёрдамига эҳтиёж сезади. Ушбу касб эгаси саёҳат давомида меҳмонга ҳамроҳ бўлиб, меҳмонхонага жойлашишдан то тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, музейлар томошасига бориш учун чиптага буюртма беришгача бўлган катта-кичик ташкилий ишларни бажаради. Бугунги кунда гидлар сайёҳлик фирма ва агентликларида, гид ва таржимонлик хизматларини таклиф этувчи компанияларда, қўриқхоналарда, маданият даргоҳлари – музей, галереяларда фаолият олиб бормоқда. Гид саёҳат дастурига киритилган объектларни ва мавзуларни чуқур билиши, уни қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб, гуруҳ эътиборини жалб эта олиши, саёҳатни унумли режалаштириши ва ўтказиши керак.

– Марказимиз сайёҳлик соҳаси учун гидлар, туроператорлар, турагентлар, меҳмонхона менежерлари, сайёҳлик корхоналарининг раҳбарлари, меҳмонхона хўжалиги ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади, – дейди Республика илмий-ўқув консалтинг маркази директори Елена Голишева. – Марказимиз томонидан сайёҳлик корхоналари раҳбарлари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи гидлар учун ҳар йили тренинглар ўтказилади. Ўз сайёҳлик фирмасини очаётган тадбиркорларга маслаҳат хизмати кўрсатилади. Ўн икки йилдан буён марказимиз томонидан икки минг гид, минг нафар туроператор ва меҳмонхона хўжалиги ходими тайёрланди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси тизимидаги туристик фирма ва меҳмонхоналар учун юзлаб семинар-тренинглар, ички туризмни ривожлантириш бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Туроператорлик ва меҳмонхона фаолияти бўйича методик, Буюк Ипак йўли шаҳарларининг тарихий-меъморий мероси бўйича услубий, гид-таржимон ва туроператор курслари тингловчилари учун кўмак сифатида электрон шаклдаги методик қўлланмалар тайёрланди.

*(Давоми 2-бетда)*

**Тошкентда 22-23 январь кунлари «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Сўз — конференция иштирокчиларига

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ

Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, педагоглар, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ёшлар вакиллари – давлат мукофотларига сазовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари анжуманнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

**Жаҳонгир МАЛЛАБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бош услубчиси:**

– Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар сиёсатида изчил ва тизимли ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу давлатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг ҳозирги кунда жадал ривожланаётган ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги билимларни тўлиқ ўзлаштиришини назарда тутади. Компьютер, интернет ва юқори технологиялар соҳасининг илғор ютуқлари ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бироқ, ҳар биримиз илмий-техник тараққиёт маҳсулларидан оқилона фойдаланишимиз кераклиги тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Шу боис, мен ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга доир тадқиқот ўтказдим. Бу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида нашр этилган илмий мақоламга асос бўлди. Менимча, бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади, чунки кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам унинг ечими бўйича амалий чоралар кўрмоқда. Мазкур анжуман туфайли мана шундай долзарб масалалар юзасидан ўз фикримни ифода этиш имконияти туғилганидан жуда хурсандман.

**Элдор ҲАМРОЕВ, Тошкент Давлат юридик институти магистранти, 2011 йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиби:**

– Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун барча зарур шароит яратилган ва бу ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ва тизимли ислоҳотларнинг самарасидир. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда навқирон авлод вакилларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мазкур қонуннинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ёш мутахассис сифатида мен ёшлар сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганишга жуда қизиқаман. Тадқиқотларим натижалари "Ёшлар сиёсатининг конституциявий асослари" мавзуидаги илмий мақоламда баён қилинган. Унда ёшлар сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилганман. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши ҳамда уларнинг энг илғор ижодий режалари ва ғояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу борада ҳам муҳим кафолатлар берилган.

*(Давоми 2-бетда)*

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Ламберто Занниер раҳбарлигидаги делегация 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.***

## ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, ҳамкорликда истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бу борада ички ишлар ходимларининг малакасини ошириш, семинар-тренинглар ўтказиш, тегишли ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик механизмининг самарадорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2009-2012 йиллар мобайнида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда ўттизга яқин семинар ва тренинглар ўтказилди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази ЕХҲТ билан ҳамкорликда ташкил этилган. Замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган ушбу марказнинг компьютерлар базасида миллий қонунчилик асослари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар жамланган.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида бўлган учрашувда терроризм, экстремизм ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЕХҲТ Бош котиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қонунийликни янада мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Терроризм, одам савдоси, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси каби халқаро таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашишга доир масалалар муҳокама қилинди.

ЕХҲТ делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам учрашди. Музокарада мамлакатимизда қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, сиёсий партиялар фаолиятига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мутаносиб ва барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистон – Марказий Осиё давлатлари ичида ЕХҲТ билан энг яқин ҳамкорлик ўрнатган мамлакат, – деди ЕХҲТ Бош котиби Ламберто Занниер. – Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларига терроризм, одам ва гиёҳванд моддалар савдоси катта таҳдид солаётир. Бу эса мазкур иллатларга қарши ҳамкорликда курашишни талаб этади. ЕХҲТ истиқболда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик, одам савдосига қарши курашиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида.

ЕХҲТ Бош котиби шу куни мамлакатимизнинг бошқа идора ва ташкилотларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий офицерлар саройида 2013 йилги чақирув мавсумини республика ОАВда кенг ёритиш масалалари юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши мажлислар залида «2012 йил якунлари, 2013 йилдаги истиқболли режалар» мавзуида ёшлар ўртасида мулоқот ўтказилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** Сингапур Менежментни ривожлантириш институтида Республика миқёсида туризм соҳасида фаолият олиб бораётган таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари учун тренинг ташкил этилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Машғулотларда фермерлар кенгашлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари, фермерлик ҳаракатига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан маърузалар тингланди.**

**● Денов туманидаги «Мароқанд Денов» хусусий корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан паррандачилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу мажмуани бунёд этиш учун банкнинг 300 миллион сўмлик маблағидан самарали фойдаланилди.**

**● Шаҳрисабз туманидаги «Носиров Тўра Улашович» хусусий корхонасида сутдан беш турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага банкнинг 90 миллион сўмлик кредити йўналтирилди. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ўнга яқин иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш керакки, туман миқёсида ўтган йили айнан оилавий бизнесни ривожлантириш орқали 1547 та иш ўрни яратилган бўлса, кичик корхоналарни ташкил этиш ҳисобига 2902 кишининг бандлиги таъминланди.**

**● Қашқадарё вилоятида 2011 йилда 805 та, 2012 йилда 870 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилди, 2013 йил — Обод турмуш йилида эса 1050 та уй-жой қуриш режалаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 январдаги «2013 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, бунёд этиладиган бундай уй-жойларни қуриш учун вилоятда 92 гектар ер ажратилди.**

### ЖАҲОНДА

**● «American Express» молия корпорацияси ўз сайтида эълон қилган маълумотларга қараганда, корпорация амалда фаолият кўрсатаётган ходимларининг 8 фоизини, яъни 5400 та иш ўрнини қисқартирмоқчи. Мазкур қарор корпорация фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва унинг самарали ишларини ташкиллаштириш доирасида қабул қилинди. Маълумки, мобиль алоқа ривожи, мижозлар билан интернет орқали ишлаш «қоғоз билан ишлаш» жараёнига барҳам бермоқда. Бу эса ортиқча штатлардан воз кечишни тақозо этади. Айни пайтда корпорацияда 63,5 минг ходим меҳнат қилмоқда. Дарвоқе, корпорация 2009 йилда ҳам катта қисқаришни амалга оширганди. Ўшанда 4 минг ходимнинг иш ўрни қисқартирилган эди.**

**● Голландиялик фуқаро Амстердамдаги «Saturn» электрон буюмлар дўкони ташкил қилган танловда ғолиб чиқди. У 156 сония ичида пештахталардан нимани олишга улгурса, шуларни олиб кетиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиб бу вақт орасида 30 минг евролик буюмни тўплашга муваффақ бўлди, уларнинг орасида иккита телевизор, «Apple» ноутбуклари тўплами, фотоаппаратлар, камералар ва телефонлар бор.**

**● Япониянинг Кавасаки шаҳрида жойлашган савдо марказига ташриф буюрувчилар ҳар куни дунёдаги энг қисқа эскалатордан фойдаланади. Машиналар қўйиладиган қаватга ўрнатилган ҳаракатланадиган зинанинг узунлиги бор-йўғи 83 см.ни ташкил этади. Эскалатор жуда кичкина ўлчами боис «Гиннес рекордлари» китобига ҳам киритилган.**

# ЯХШИ ГИД БИЛАН САЁҲАТ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мазкур илмий-ўқув консалтинг маркази томонидан сайёҳлик ташкилотлари ходимларини туристик бизнесни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий шакл ва услубларига ўргатиш бўйича янги услубий тавсия ва қўлланмалар, соҳага оид брошюра ва буклетлар, зарур услубий адабиётлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Гидларнинг малакасини ошириш мақсадида йирик сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар, ресторанлар, хорижий шериклар ва инвесторлар билан ҳамкорликда амалий семинарлар ташкил этилаётир. Мамлакатимизнинг гид-таржимонлари ва экскурсоводлари ҳақида маълумотлар банки шакллантирилиб, доимий равишда янгилаб борилмоқда.

Соҳада ўттиз йилдан буён ишлаб келаётган олий тоифали гид Дилбар Абдунабиеванинг таъкидлашича, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлардан, барпо этилаётган янги-янги замонавий бинолардан, ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги автомобиллардан, халқимизнинг хушмуомалалиги ва меҳмондўстлигидан ҳайратга тушади. Сайёҳлар йўлбошловчидан аниқ ва иложи борича кўпроқ маълумот олишни истайди. Бу гидлардан ўз устида астойдил ишлашни, янгиликлардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралардан хабардор бўлишни тақозо этади. Турли мамлакат, миллат ва касб эгалари бўлган одамлар билан мулоқот юритиш гидлардан хушмуомалалик, сабр-тоқат ва кенгфеълликни талаб қилади. Сабаби ҳамма сайёҳ ҳам муомалада мулойим бўлавермайди. Баъзилари эса тарихий жойларда бўлиш тартиб-қоидаларига риоя этмаслиги мумкин. Бироқ уларга ҳамроҳлик қилаётган гид бу каби ҳолатларда асабийлашмаслиги, саёҳатнинг охиригача ширинсўз бўлиб қолиши даркор. Бундай талабларга жавоб бериш эса осон эмас.



Гид ўз мамлакати, унинг тарихи ва маданияти, халқининг урф-одат ва анъаналари, меъморий обида ва ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиши ғоят муҳим. Профессионал гид чиройли сўзлаши, ўз фикрини тўғри ва тушунарли ифодалай олиши, фаол, сабрли ва зукко бўлиши зарур.

Айни пайтда гид саёҳат давомида ўз гуруҳи учун жавобгар бўлгани боис, ундан фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсата олиш ҳам талаб этилади. Яна бир муҳим жиҳати, гид ўзининг ташқи кўринишига ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Чунки, сайёҳлар айнан унга қараб бутун мамлакат аҳли ҳақида хулоса чиқариши мумкин.

– Чет эллик сайёҳларга юртимизнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб, улар ҳақида шунчаки ҳикоя қилиб бериш билан чекланмайман, балки жонажон Ватанимиз Ўзбекистон билан фахрланишимни гапларимга, суҳбатларимга сингдираман, – дейди самарқандлик гид Собир Ражабов. – Мамлакатимизга, хусусан, Самарқандга келадиган сайёҳларга тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган қадимий шаҳримиз, у ердаги ноёб тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, халқимизнинг бетакрор маданияти, анъаналари, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз ҳақида кенг ва қизиқарли маълумотлар беришга ҳаракат қиламан. Халқимизнинг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги, мамлакатимизда турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши, айниқса, кўплаб хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган иқтидорли ёшларимиз хорижлик сайёҳларда жуда катта ҳавас уйғотади. Самарқандга келадиган сайёҳлар учун асосан тарихий обидаларга, муқаддас қадамжоларга, музей ва бозорларга, миллий ҳунармандлик буюмлари тайёрланадиган устахоналарга, боғ ва хиёбонларга, зоология, ботаника ва археология музейларига, ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек, халқимизнинг ўзига хос миллий анъаналари ўз ифодасини топган маҳалла марказлари ва гузарларга саёҳатлар уюштирамиз. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларни шаҳримиздаги йирик саноат корхоналари, олий ўқув юртлари фаолияти билан ҳам таништириш жараёни ғоят қизиқарли ўтади.

Республика илмий-ўқув консалтинг марказида гидларни тайёрлашда мутахассисларнинг сайёҳлар билан муомалада бўлиши ва туристик гуруҳни бошқариш кўникмаларини қай даражада эгаллаганига алоҳида эътибор қаратилади. Гидлар юртимиз тарихи, географиясидан ташқари, унинг санъати, архитектураси, иқтисодиёти, социологияси сингари кўплаб жабҳалар бўйича пухта билимга эга бўлиши шарт. Шу боис гидлар олий ёки тугалланмаган олий маълумотли, Республика илмий-ўқув консалтинг марказининг тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини тамомлаганлиги ва аттестациядан ўтганлиги ҳақида сертификатга эга бўлиши, марказда ҳар йили малака ошириши керак.

Марказнинг ўқув режа ва дастурлари меҳнат бозорига мувофиқ равишда сайёҳлик соҳаси учун профессионал билимга эга, замонавий талабларга жавоб берадиган, мустақил фаолият юрита оладиган мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. Таълим жараёнида интерактив усуллардан самарали фойдаланилади. Ўқув жараёнларини олиб бориш учун турли вазирлик ва идораларнинг тажрибали мутахассислари ҳам жалб этилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан туризм соҳасининг ана шундай муҳим мутахассислари ишини тартибга солиш, экскурсия хизматларининг сифатини ошириш, сайёҳларни аниқ, тўлиқ ва холис ахборот билан таништиришни таъминлаш ва гидлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида мамлакатимиз гидлари ҳар икки йилда бир марта аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтган гидлар мамлакатимиз бўйлаб экскурсияларни мустақил ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ишлаб чиқилган аттестациядан ўтказиш тартибига кўра, мамлакатимиз гидлари касбга лойиқлигининг уч даражали тизими назарда тутилган. Биринчи ва иккинчи даражали гидлар вақтинчалик сертификат оладилар. Сайёҳлик соҳасида камида ўн йиллик иш тажрибасига эга бўлган юқори даражали мутахассислар эса кейинчалик тасдиқланиши талаб этилмайдиган доимий сертификатга эга бўладилар.

Мамлакатимизда соҳа учун олий ва ўрта махсус маълумотга эга кадрлар Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида, Бухоро ва Урганч давлат университетларида, бир қатор туризм коллежларида тайёрланмоқда.

– Коллежимизда меҳмонхона ва ресторан хизматлари менежерлари, ошпазлар тайёрланади, – дейди Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи директори Рўзимурод Ғойипов. – 2011 йили туристик хизматлар ташкилотчиси факультети очилгани коллежимизда сайёҳлик соҳаси учун гидлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш имконини берди. Зеро, бу соҳа нафақат туристларни жалб этиш, балки уларни кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни ҳам ўз ичига олади.

Мамлакатимизда юқори малакали гидлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётир. Бугун юртимизнинг турли ҳудудлари билан танишаётган хорижлик сайёҳлар гидлар хизматидан кенг фойдаланмоқда.

– Бир неча кун мобайнида Тошкентни мириқиб томоша қилдим, – дейди германиялик сайёҳ Петер Кауэр. – Бу азим шаҳарда мароқли дам олиш учун барча қулайлик яратилган. Музей ва галереялар билан танишиш кишига катта завқ беради, халқингизнинг меҳмондўстлиги киши баҳри дилини очади. Мамлакатингизга саёҳатим давомида гидлар хизматидан фойдаландим. Ўзбекистон гидларининг кенг дунёқараши, бой тафаккури ва хушмуомалалиги менга манзур бўлди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Муҳаббат ТЕМИРОВА, Навоий давлат кончилик институтининг катта ўқитувчиси:**

– Мамлакатимизда ёшлар пухта билим олиши, касб кўникмаларини шакллантириши, ўз истеъдодини тўла намоён этишига қаратилган стратегик муҳим вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар доирасида “Таълим тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши бунинг ёрқин далилидир.

Бундай хайрли ишлар самарасида мамлакатимизда бепул узлуксиз ўн икки йиллик ягона таълим тизими шакллантирилди. Олий таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш бўйича жаҳон стандартларига ўтилди. Буларнинг барчаси ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Республика илмий-амалий анжуманида сўзга чиққан ёш мутахассисларнинг баён этган фикрлари орқали ҳам бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улар ўз чиқишларида ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари бўйича кўплаб янги ғоялар, қарашлар ва ечимларни илгари сурди.

**Любовь БРОННИКОВА, Қорақалпоғистон давлат университетининг 3-босқич талабаси:**

– Бугунги ахборот технологиялари асрида атроф-муҳитнинг ўсиб келаётган авлодга кўрсатаётган таъсири сезиларли даражада кучайди. Замонавий ахборот технологиялари ёшларнинг интеллектуал даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча таълим муассасаларида юқори технологиялар соҳасининг илғор ютуқлари жорий этилмоқда. Хусусан, мактаблар босқичма-босқич компьютерлаштирилмоқда, бунинг самарасида ёш авлодни баркамол шахслар этиб вояга етказиш таъминланмоқда, болаларнинг қобилияти ривожланиб, уларнинг ўқишга бўлган интилиши кучаймоқда.

“Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда ахборот технологияларининг ўрни” мавзуидаги илмий мақоламда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилар эканман, ўқитиш услубларини ва ташкилий шаклларнинг мазмунини яхшилаш бўйича ўз таклифларимни билдирдим. Мазкур анжуман бизга тенгдошларимиз ва турли соҳа вакиллари билан ўзаро фикр алмашиш, истиқболдаги илмий тадқиқотларимиз учун ғоялар олиш имконини берди.

**Азамат КАМОЛОВ, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти кенгашининг раиси:**

– Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари улкан интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодда бунёдкорлик руҳини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу ишларга ўз сафларида миллионлаб ёшларни бирлаштирган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фаол иштирок этиб, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалий ишларни бажармоқда ҳамда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ушбу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжуманидаги чиқишимнинг асосини ташкил этди. Ўз тадқиқотимда бугунги кунда ёшларимизнинг ишончли таянчи ва уларнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда ҳамфикр бўлаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишга ҳаракат қилдим.

**Тамара МАШАРИПОВА, Қорақалпоқ давлат университети журналистика кафедраси катта ўқитувчиси:**

– Бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли ахборот хуружларидан, жумладан, «оммавий маданият» таъсирларидан ҳимоя қилиш, улар онги ва дунёқарашини тўғри йўналтиришда журналист малакаси муҳим аҳамият касб этади. Журналистлар тайёрланадиган бизнинг таълим масканимизда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланамиз. Мамлакатимиздаги марказий нашрлар, теле ва радиоканаллар билан яхши ҳаморлик йўлга қўйилган. Мақсадимиз – миллий журналистикамизни ривожлантириш, ўз соҳасини пухта эгаллаган малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Анжуманда бу борада кўплаб фойдали фикрлар эшитдик, илмий-амалий тажрибалар билан танишдик.

**Комил БЕКЖОНОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши раиси:**

– «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилоят кенгаши икки юз минг нафарга яқин ёшларни ўз сафларига бирлаштирган. Бугунги кунда ташкилотимиз томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан йилга ошмоқда. Ҳозир вилоятимиз ёшлари хизмат кўрсатиш, паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик каби соҳаларда муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ушбу анжуманда олимларимиз ва ёшларимиз томонидан билдирилган таклифлар бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва такомиллаштириш, лойиҳалар кўламини янада кенгайтиришда ўз самараларини бериши шубҳасиз.

**Дилноза КАТТАХОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**

– Анжуманда ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга эътиборни кучайтириш тобора долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, замон ҳар қанча тараққий этмасин, ёшлар онгу тафаккурини юксалтиришда китобнинг ўрни ва аҳамияти ўз қадрини йўқотмайди. Шу маънода, таълим масканларида оммавий китобхонлик тадбирларини ўтказиш, ёшларда китобга меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтириш борасидаги таклифлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга арзийди.

**Алишер ТОЖИЕВ, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси:**

– Ҳозир мамлакатимиз ёшлари интернет ва мобиль воситалардан кенг фойдаланмоқда. Аммо бу йўналишда ёлғон ахборотга маҳлиё бўлиб қолаётган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Тенгдошларимизни бундай салбий иллатлар, жумладан, «оммавий маданият» таъсиридан асраш бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Ахборот технологиялари соҳасининг бўлажак мутахассиси сифатида бундай муаммоларнинг олдини олиш борасида бир қатор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни амалга татбиқ этиш юзасидан изланиш олиб боряпман. Уларни рўёбга чиқаришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати менга яқиндан ёрдам бермоқда. Ушбу лойиҳам ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ва билимларини оширишга хизмат қилади, деган умиддаман.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**Сардор ТОЖИЕВ,**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди**

**Анжуманлар**

# ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

***Таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларидано қ тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Мамлакатимизда солиқ соҳасидаги ислоҳотлар такомиллаштирилиб, тизимни янада соддалаштириш ишлари йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига янада енгилликлар яратмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан барча туманларда 2013 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятидан корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида семинарлар ўтказилмоқда.

Шундай семинарларнинг навбатдагиси Сергели туман ҳокимиятида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва Сергели туман ДСИ билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда туманда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, ўқув муассасалари ҳисобчилари ва соҳа вакиллари иштирок этди.

Ушбу тадбирда мутахассислар томонидан солиқ борасидаги янгиликлар, ишбилармонлар ҳамда жисмоний шахсларга берилаётган енгилликлар хусусида сўз юритилди. Жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига биноан, бу йилдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Бунда солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб қўлланилишини назарда тутувчи янги норма киритилди.

— Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишлаб ўтказилаётган бугунги тадбир биз ҳисобчиларга янада кўпроқ маълумотга эга бўлишимизга хизмат қилади, — дейди Сергели туманидаги 3-умумтаълим мактаби бош ҳисобчиси Меҳри Очилова. — Шуни таъкидлаш керакки, Сергели тумани ДСИ томонидан бундай йиғилишлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинади. Мазкур семинарлар давомида бош ҳисобчиларга жуда кўп қулайликлар яратилганига, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар камайтирилгани ва яна бошқа кўплаб маълумотларга эга бўлиб борамиз. Президентимиз қарорларининг ҳаётга қандай татбиқ қилиниши ҳақида ўз вақтида хабардор этаётганлари учун соҳа вакилларига миннатдорчилик билдираман. Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни ўз инспекторларимиздан мукаммал ўрганишимизда бундай семинарлар муҳим қўлланмадек ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиганларга мамлакатимизда кўплаб енгилликлар яратилиб берилмоқда, — дейди тумандаги «Сурхон савдо» хусусий корхонаси ҳисобчиси Ғулом Хўжанов. — Бундай семинарлар солиқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва қисқартиришлардан хабардор бўлишимизга, тадбиркорларга кўплаб маълумотлар олишга ёрдам беради.

Анжуман якунида йиғилганларнинг саволига мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди. Энг муҳими солиқ тизими, унинг янада такомиллашувига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва солиқ қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлардан тадбиркорларни мунтазам хабардор этишда бу каби семинар-йиғилишларнинг натижаси самарали бўлмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА

***«Тошкент» халқаро аэропортида учиб кетувчи йўловчилар учун янги кутиш зали фойдаланишга топширилди. Замонавий андозалар асосида қурилган бинодаги шинам овқатланиш жойлари, она ва бола хонаси, тиббий пункт, савдо шохобчалари, «Business-Lounge» ва компьютер заллари йўловчилар ихтиёрида. Шунингдек, йўловчиларни божхона кўригидан ўтказишни тезлаштириш мақсадида қўшимча ускуналар ҳам ўрнатилган.***

Бу ерда имконияти чекланган одамларнинг ҳаракатланиши учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Бундан ташқари, янги блокдаги ўйин бурчаги юртимиз ва хорижлик болалар учун мароқли жой бўлиб қолиши шубҳасиз. Яна бир жиҳат, йўловчилар ихтиёридаги янги кутиш залида Wi-Fi интернет ҳудуди ишлаб турибди.

Эслаб ўтиш жоиз, ўтган йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган «Парвозлар хавфсизлиги» нотижорат ҳамкорлик ташкилотининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашдаги улкан ютуқлари учун» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилган эди. Шунингдек, миллий авиакомпаниянинг IOSA аудитидан муваффақиятли ўтганлиги ҳам мамлакатимизда транспорт-коммуникация соҳасининг ривожланиб бораётганидан далолат. Бу эса ўз навбатида юртимиз туристик салоҳиятининг юксалиши ва иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

***«Оммавий маданият»ни бугун ёш йигит-қизларимиз онги ва қалбига киритишга уринишлар бўлаётгани сир эмас. Шу боис ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларда унга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун «Оммавий маданият»нинг мазмун-моҳиятини билиш лозим бўлади.***

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «Оммавий маданият»нинг туб мазмун-моҳияти очиб берилган. Жумладан, унда шундай дейилади: «Табиийки, «Оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

Дарҳақиқат, бугунги жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган ахборот асри, турли хилдаги чегара билмас таҳдидларнинг авж олиб бориши мамлакатимизни маънавий хуружлардан ҳимоялаш, айниқса, ҳаётга энди қадам қўяётган баркамол авлодни паст савияли «Оммавий маданият» таҳдидидан асраш лозимлигини тақозо қилмоқда. Яккасарой туман ҳокимлигида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Ёшлар оммавий маданиятга қарши» мавзуидаги давра суҳбати ҳам айнан ана шу мақсадга йўналтирилди.

Яккасарой туманидаги барча олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг раҳбарлари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари ва фаоллари, тиббиёт муассасаларининг маънавият бўйича масъуллари ҳамда маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ота-оналар, шунингдек, ўқувчи-талабалар иштирокида комил инсон ғояси рўёбини таъминлашга қаратилган ушбу давра суҳбатида мавзу юзасидан Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг туман бўлими ходимлари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари маъруза қилди.

Давра суҳбати давомида лойиҳага доир буклетлар тарқатилди ҳамда «Оммавий маданият» тушунчаси ва унинг олдини олишга қаратилган анкета сўровномалари ўтказилди. Қатнашчилар томонидан берилган саволларга соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоблар қайтарилди. Шунингдек иштирокчилар мавзуга оид таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

**Даврон НУРМАТОВ**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар негизида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш масалалари амалда ўз тасдиғини топмоқда.***

**Тиббиёт масканларида**

## ЎЗ КАСБИНИНГ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ёш авлодни соғлом ва комил инсон қилиб вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 186 ўринга мўлжалланган 2-Болалар жарроҳлик клиник шифохонасида ҳам бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Келажак авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш ишларини юксак даражага олиб чиқиш, ихтисослашган ютуқларни соҳага кенг татбиқ қилиш шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, 2-Болалар жарроҳлиги клиник шифохонаси шаҳримизнинг хушманзара масканида жойлашган. Бу ерга ташрифимиз чоғида тиббиёт ходимларининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндошган ҳолда беморлар атрофида парвона бўлаётганининг гувоҳи бўлдик. Кенг ва ёруғ, озода хоналарда беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Болажонларнинг тўла-тўкис шифо топиши учун масканимизда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди шифохонанинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Дониёр Собиров. — Бизнинг шифохона республикамизнинг барча вилоятларидан келган болаларга малакали шифокорлар томонидан ихтисослашган хизмат кўрсатадиган муассаса ҳисобланади. Шифохонада 6 та бўлим, шунингдек, жарроҳлик ва травматологик қабул бўлимлари мавжуд. Бундан ташқари Республикада ягона бўлган болалар йирингли жарроҳлик ва болалар торакал жарроҳлик бўлимларини айтиш мумкин. Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг Болалар хирургияси кафедраси ходимлари билан биргаликда фаолият кўрсатамиз. Шифохонамиз мазкур институтнинг хирургия бўйича базаси ҳисобланади. Талабалар ва магистрлар амалиёт ўташади.

Беморларнинг саломатлигини тиклаш, уларга аниқ ташхис қўйиш, шошилинч ва самарали муолажалар қилиш ишлари юқори даражада йўлга қўйилган. Шифохонада Тошкент шаҳар бош болалар жарроҳи, профессор Насриддин Эргашев томонидан даволаш ишлари бошқариб турилади. Тошкент шаҳар бош болалар ортопед ва травматологи Исмат Нигматов ҳам болажонларни даволашда бош-қош бўлади. Бўлимларда юқори малакали мутахассислар доцентлар, профессорлар билан биргаликда хизмат кўрсатиб келишмоқда. Шифохонамиз асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида хорижий давлатлардан келтирилган замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Жумладан, охирги марта 2011 йилда грант асосида Хитой Халқ Республикасидан 20 га яқин сўнгги русумдаги тиббиёт аппаратлари олиб келиниб, бўлимларга ўрнатилган. Шифохона ҳудудида болалар учун 4 та хиёбон, кўплаб арғимчоқлар, ўйин майдонлари ташкил этилган.

Ўз касбининг жонкуярлари кечаю кундуз болажонлар саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

**Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА**





# ПУХТА НЕГИЗ АСОСИДА

***Бугунги кунда мустақил юртимиз бутундунё интеграция жараёнига кун сайин тобора фаол кириб бораётган, глобаллашув давр талабига айланган бир вақтда инглиз тилининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Зеро, инглиз тили — бу юқори технологиялар, дастурлаштириш, халқаро мулоқот ва шартномалар тузиш ва интернет тили ҳисобланади.***

Нима учун биз инглиз тилини ўрганишимиз керак? Бунинг сабабларини мухтасар қилиб, инглиз тили халқаро сўзлашув тили эканлиги, энг замонавий адабиётлар ушбу тилда нашр этилиши, электрон ахборотнинг 80 фоизи инглиз тилида сақланиши, компьютер дастурлари инглиз тилида тузилиши ва барча халқаро анжуманлар шу тилда олиб борилиши ва ниҳоят, юқори мавқе ва нуфузли ишга жойлашиш учун инглиз тилини мукаммал билиш зарурий мезон эканлиги десак, муболаға бўлмас.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги Қарорига мувофиқ, 2013/ 2014 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида айрим махсус фанлар чет тилларда олиб борилиши, 2013 йилнинг 1 мартигача ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонлари кўрсатилган янги таълим стандартлари тасдиқланиши, Давлат тест марказида эса халқаро эътироф этилган стандартлар бўйича чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилган.

Тошкент Тиббиёт академияси кафедра ва клиникаларида ходимлар ва талабалар инглиз тилини ўрганишга астойдил киришганлар. Деярли барча кафедраларда, жумладан, профессор О.Р.Тешаев мудирлик қилаётган бизнинг умумий амалиёт шифокори жарроҳлиги кафедрамизда ҳам ўқув дастурлари ва режаси ўзбек, рус ва инглиз тилларида тузилган, ўнлаб ўқув – услубий қўлланмалар бу тилларда чоп этилган, маърузаларнинг асосий қисми инглиз тилига ўгирилган. Талабалар билан семинарлар ва эрталабки шифокорлар конференциялари инглиз тилида олиб борилмоқда. Қарийб 80 фоизга яқин магистрлар битирув ишларини инглиз тилида ҳимоя этиш истагини билдирганлар. Бу ёшларнинг инглиз тили аҳамиятини тушуниб етганлигидан далолатдир. Чунки жаҳон тиббиёт илмининг ютуқлари билан ҳамоҳанг қадам ташлаш, шунингдек, республикамизда тиббиёт соҳасида эришилган улкан ютуқларимизни дунёга танитиш учун ҳам, аввал амбор, инглиз тилини мукаммал билиб олишимиз, чет эллик олимлар билан тўғридан – тўғри мулоқот қила олишимиз ва фикр алмашувимиз лозим бўлади.

Энг муҳими, бугунги кунда Тошкент Тиббиёт академияси кафедраларида хорижий тилларни ўрганиш учун замонавий ахборот – коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари, электрон ресурслар тайёрланган.

Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Буюк келажакни эса, ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар яратади.

**Илёс ЮНУСОВ,**
**Тошкент Тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокори жарроҳлиги кафедраси доценти**

***Инсон ҳаёт экан, аъзои раисалари билан шоисталикда яшайди. Юрак, бир парча гўшт. Қиёфаси, бўйи басти билан ўз соҳибининг муштумига ўхшаб кетади. Мазкур аъзо она қорнидаёқ ишга тушгач, нафис зарба оҳанги билан янги ҳаётдан нишона берган. Ана шу жажжи юрак одамнинг ёшлигидан то умрининг охиригача содиқлик билан ишлар экан, эгасининг қанчадан-қанча қувончли кунларида ҳам, фарахбахш тунларида ҳам, қўйинг-чи, ғурбатли, фожиали дамларда ҳам бирга бўлади. «Юрагингизни кўз қорачиғидек асранг, чунки у ҳаёт манбаидир», деб ёзган эди машҳур шифокор Вильям Гарвей.***

**Олимлар тавсия этади**

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Барчага маълумки, ўзининг муттасил қисқариб туриши билан юрак бутун танамизни тоза қон, яъни ҳаётий озиқа билан таъминлаб туради. Маълумотларга қараганда, балоғатга етган кишининг юраги саккиз соат мобайнида баданга ҳайдаган қон ҳажми 2400 литрга етади. Бу куч 75 килограмм оғирликдаги юкни йигирма бешинчи қаватга кўтариш билан баробар. Одатда, одамларнинг умри боқий бўлишида юракнинг бақувват, бенуқсон ишлаши муҳим ўрин тутади. Юрагига озор бермаган бир қатор чинор ёшли кишиларнинг баъзилари ҳақида маълумотлар келтирамиз: Жоленус (Гален) ҳаким 140 ёшга, Софокл 130 ёшга, Суқрот 106 ёшга кирган. Солномаларда баён этилишича, 1724 йили Венгрияда Л.Кцартен деган шахс 185 ёшида вафот этган. Маҳмуд Айвазовни танимайдиганлар бўлмаса керак. 1808 йилда дунёга келган зотнинг 150 ёшлигида ҳам хўжалик ишлари билан шуғулланганi ҳақида маълумот бор. Бу кишини ўз кўзи билан кўрган ёзувчи Н.Полежаевнинг «Инсон 150 ёшга кирди» деган китоби бор. Агар умри боқий кишиларни санайдиган бўлсак, ниҳоясига етиш қийин. Тўғриси, чинор ёшли кишиларнинг юраклари асоратсиз бўлган.

Юракни авайлаш кўп жиҳатдан соғлом турмуш тарзи, ибратли меҳнат, атроф-муҳитнинг тозалиги, тўғри овқатланиш каби омиллар билан ҳам боғлиқдир.

Яшаш жараёнимизда юракка озор берувчи, уни машъум, хавфли хасталикларга илаштирувчи омиллар учрайди. Қуруқ тухмат юракни «ейди», ноўрин рашк юракни нурайди, фожиали дамлар юракни яралайди, турфа кўнгил ғашликлари одамнинг асабига, асаб эса ўз навбатида юрак қон-томир тизимига асорат бермай қўймайди.

Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, юрак мушакларини қон билан таъминловчи тож томирларнинг қисилиши туфайли бир-бирига ўхшаш икки дард юзага келади. Икковида ҳам юрак мушаклари қонсизланиб қолади, бу ҳолат тиб тилида ишемия деб номланади. Қисқа, бир лаҳзали оғриқ билан ўтиб кетган ҳуруж кўкрак қисиши — стенокардия деб аталади. Мабодо юрак мушагининг қонсизланиши ҳолати давом этаверса, унинг қаеридир емирилади. Мазкур оғир аҳвол инфаркт деб аталади. Одатда стенокардияда киши фавқулодда «оҳ» деб юрагини ушлаб қолади. Бу ҳолатда гўё юракка игна санчгандек бўлади. Оғриқ чап бўйин, чап қўлга ҳам тарқалиши мумкин. Беморнинг бахтига бу азият бир зумда ўтиб кетади. Инфарктда эса оғриқ давом этаверади, бемор юзаки нафас олиб, нима қилишини билмай туриб қолади. Мутахассисларнинг ёзишига қараганда, беморнинг бирор қадам босишига ёки ўгирилишига ҳам мадори қолмайди. Совуқ тер босади. Бирор нарса санчилгандек оғриқ фақат юракда эмас, қоринда ёки орқада — курак оралиғида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунинг устига беморнинг кўнгли айниб, қайт қилиши ва унинг аҳволи оғирлашиб қолиши мумкин.

Одамнинг асаблари «қақшаши» натижасида фақат юрак озорланибгина қолмасдан, балки бошқа органларга жиддий таъсир кўрсатиши маълум. Асаб бузилиши натижасида хафақон дардига мубтало бўлинганида юрак дардлари билан алоқадор ўта хавфли инсульт (бош мияга қон қуюлиши ёки мия томирларига лахта қон тиқилиши натижасида рўй берадиган оғир хасталик) каби касалликка дучор қилиши мумкин.

Асабни қўзғатмайдиган омиллардан холи бўлиш ўзимизга боғлиқ. Комил инсон бўлиб етилишда, маънавий қадриятларга, соғлом турмуш тарзига ошно бўлган ҳолда яшашга имкониятлар бор. Тўғриси, ибратли меҳнатдан таътилга чиққач, бундоқ мароқли ҳордиқ чиқариб, рисоладагидек дам оладиган кишилар камчиликни ташкил қилса керак. Меҳнат таътилида толиққан аъзолар кучини тиклаб олиши керак. Ваҳоланки, меҳнат таътилига чиққан кишиларнинг аксарияти олдиндан режалаб қўйган ишини бажаришга ҳаракат қилади. Чунончи, истиқомат қилаётган жойларини таъмирлаш, бирорта ошиён қуриш, тўй қилиш, маъракаларни ўтказиш каби тадбирларни ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳол албатта инсон асаб торларининг таранглашувига олиб келади.

Таниқли олим Рауф Абдуллаевнинг ёзишига қараганда, юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш кўп жиҳатдан меҳнат жамоаларидаги дўстликка, биродарлик, ҳамкорликка боғлиқдир. Зироат ва ижодий ишларга шароит яратилган, одамлар бир-бирини ҳурмат қиладиган, бир-бирига ишонадиган жамоаларда ҳар бир ишчи, хизматчи ўзини яхши ҳис этади, меҳнат унуми ҳам юқори, маҳсулот сифати ҳам яхши бўлади.

Юракни сақлаш асабни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экан, албатта оила муҳитида ҳам ширин ҳаёт ҳукм суриши лозим.

Асабияти қалқиб турадиган, жиззакиликка мойиллиги бор кишиларга даво бўлувчи синалган, беозор табиий дориворлар ҳақида кейинги саҳифаларда баён этишга ҳаракат қиламиз.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**доришунос олима**

# КАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

***Ҳозирда нафақат аёллар ва болалар орасида, балки катталар, эркаклар, кексаларда ҳам камқонлик учрамоқда. Шуни унутмангки анемия, яъни камқонликнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўрсангиз, шифокор маслаҳати билан тўла-тўкис даволансангиз эсон-омон тузалиб кетасиз, акс ҳолда бошқа асоратлар каби миянинг бекаму кўст ишлашига ҳам путур етади.***

Маълумки камқонликда организм хужайраларини кислород билан таъминлаб турадиган компонентлар қонда етишмай қолади. Бунинг натижасида мия хужайраларининг қон билан таъминланиши ёмонлашади. Албатта, камқонликнинг олдини олиш осон иш эмас, чунки уни келтириб чиқарадиган сабаблар турлича бўлиб, баъзан сурункали касалликлардан сўнг асоратлари пайдо бўлади.

Эсингизда бўлсин. Салга толиқиб қолиш, тинка-мадорнинг қуриши, бошнинг оғриши, салга жаҳл чиқиб кетиши, фикрни тўплай олмаслик, оёқ-қўлларнинг совуқ бўлиб туриши камқонлик аломатлари ҳисобланади.

Кекса одамларда ҳуши кирарли-чиқарли бўлиб қолиши, уйғун ҳаракат қила олмаслик каби ҳодисалар рўй бериши мумкин.

Мабодо сизда шунга ўхшаш ҳодисалар пайдо бўлса, албатта шифокорга бориб, қонингизни текширтиринг, зарур бўлса, албатта даволанинг.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА тайёрлади**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 1. 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. «М 412 ИЭ», д/р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. 2. 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. Газ 2417, д/р. 11 М 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. 3. 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. «Ваз 2101», д/р. 11 А 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. 4. 17.12.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Ваз 2103, д/р. Х 287 AVM. Бошланғич баҳоси – 1 215 086 сўм. 5. 16.03.2010 й. № 1-21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Ваз 2101, д/р. 11 W 8452. Бошланғич баҳоси – 916 174 сўм. Бўстонлиқ туман Ғазалкент 2 «Мариам Текстил Сервис» МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан: 6. 1999 й. и/ч. Кейс 2366, д/р. 14-64 ER. Бошланғич баҳоси – 53 141 148 сўм. 7. 1996 й. и/ч. Магнум 7240, д/р. 18-11 ЕД. Бошланғич баҳоси – 36 705 713 сўм. Юқоричирчиқ туман МТП, Янгибозор қўрғони Баҳор кўчасида сақланмоқда. 8. 01.03.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Зил 130, д/р. 10 318 ВАА. Бошланғич баҳоси – 13 577 728 сўм. Юқоричирчиқ туман, Истиқлол қ.ф.й, Арганчи универсал сервис МЧЖ гараж биносида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 11 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бектемир тумани СИБ томонидан 9. 13.01.2011 й. № 07 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. Каптива, д/р. 01 V 101 ВА. Бошланғич баҳоси – 61 994 600 сўм. 10. 16.11.2009 й. № 1-890 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и/ч. Тико, д/р. 11 S 5060. Бошланғич баҳоси – 7 650 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 26 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 13 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 69-мактаб томонидан 1991 йил Норматова Назира Турсунбаевна номига берилган № А 110496 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Зангиота тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан «LUSK DOORS» ИНН (302 406 045) М.Ч.Жга берилган думалоқ ҳамда тўрт бурчак муҳрлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар юридик коллежи томонидан 30 июнь 2012 йилда Назаров Рустам Бахронович номига берилган № 97 рақамли № 2747585 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан 19.10.12 йилда Исаев Шухрат Зохиджанович номига берилган 4-690/2008 реестр рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

***Яқинда Шанхайдаги Замонавий санъат музейида «Таниқли ўзбек мусаввирлари ижоди» мавзуига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕК МУСАВВИРЛАРИНИНГ СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОДИ

## Шанхай жамоатчилиги вакиллари томонидан юқори баҳоланди

Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ва Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур маданий тадбир чоғида А.Нур, М.Содиқов, Г.Қодиров, Ф.Аҳмадалиев, М.Исанов сингари таниқли ўзбек рассомларининг ижод маҳсуллари намойиш қилинди.

Тадбир меҳмонлари юртимизнинг гўзал табиати, кўҳна ва навқирон шаҳарлари, муқаддас зиёратгоҳлари акс этган ижод намуналаридан баҳра олишлари баробарида ўзбекистонлик мусаввирларнинг истеъдоди ва ижодий йўналишларини баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан **Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг ижрочи вице-президенти Ван Сяошу** мазкур тадбир икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштиришга ҳисса қўшиши билан бирга ўзбек халқининг бой тарихий меросини мегаполис жамоатчилиги вакиллари орасида янада оммалаштиришга ҳам хизмат қилишини қайд этди.

«Мўйқалам усталарининг гўзал ва бетакрор ижод намуналари тақдим этилган бу кўргазма туфайли Шанхай аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонлари дўст мамлакат бўлмиш Ўзбекистон мусаввирларининг ижодий салоҳияти ва уларнинг ички маънавий дунёси билан яқиндан танишиш имкониятини яратди», деди у.

**Замонавий санъат музейининг директори Сун Цзянше** ҳам ўзбекистонлик рассомларнинг ижодий услуби ва йўналишини юксак баҳолар экан, асарларда нафақат муаллифларнинг истеъдоди, балки ўзбек халқининг кўп асрлик жўшқин тарихи ва ранг-баранг анъаналари ҳам уфуриб турганини таъкидлади.

Сун Цзяншенинг сўзларига қараганда, ҳар бир асарда мусаввирнинг ўй-хаёллари, ички дунёси, сўз билан ифодалаш мушкул бўлган фикр-мулоҳазалари акс этган. «Уларнинг барчаси шакли, ёрқин ранглари билан киши эътиборини ўзига жалб қилади, шунингдек, улар ўзбек мусаввирларининг серқирра ижоди ва истеъдодидан далолат беради», деди Сун Цзянше.

**«Жаҳон» АА**
**Шанхай**

## Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

# АЁЛЛАР ФУТБОЛИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

***Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, турли соҳа ва йўналишлардаги фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда аёллар спорти ҳам жадал ривожланмоқда.***

Юртимизда спорт билан мунтазам шуғулланувчи хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон аёллар терма жамоалари халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

2012 йилнинг ноябрь ойида Шри-Ланкада ўтказилган саралаш мусобақасида 16 ёшгача бўлган футболчи қизларимиз ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, жорий йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган Осиё чемпионатига йўлланма олгани ана шундай ютуқлардан биридир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган қарори асосида мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессионал клубларда ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хотин-қизлар футболини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида аёллар футбол клублари ташкил этилган. Мингга яқин қиз футбол, мини-футбол ва пляж футболи билан мунтазам шуғулланади. «Севинч», «Андижанка», «Ёшлик» сингари етакчи футбол клубларининг маҳоратли ва иқтидорли аъзолари Ўзбекистон терма жамоалари таркибида халқаро миқёсдаги мусобақаларда тўп сурмоқда.

Мини-футболчи қизларимиз ҳам халқаро мусобақаларда улкан ютуқларга эришмоқда. 2005 йили Таиландда ўтказилган I ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида олтин, 2007 йили Макаода ташкил этилган II Осиё ўйинларида бронза медални қўлга киритди. Қаршининг «Севинч» жамоаси Испания, Болгария, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлди.

Гулнора Аъзамова, Элмира Ғуломова, Ольга Ким, Карима Йўлдошева, Владислав Хан сингари Осиё футбол конфедерацияси лицензиясига эга мураббийлар, Эдита Миробидова, Шаҳноза Шукурова, Анна Сидорова сингари ФИФА рефериларии аёллар футболини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси қошида ташкил этилган Хотин-қизлар футболи, мини-футболи ва пляж футболи ассоциацияси қизлар ўртасида ушбу спорт турлари бўйича турли мусобақалар, чемпионат ва кубок баҳсларини юқори савияда ўтказиш, ёшларни ушбу спорт турларига кенг жалб этиш, улар орасидан истеъдодли спортчиларни саралаб олиш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлаш борасида кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилдан мамлакатимиз профессионал футбол клублари қошида хотин-қизлар жамоалари ҳам ташкил этилади. Бу футболчи қизлар учун ўқув-машғулот йиғинларини юқори савияда ташкил этиш, аёллар футболи бўйича мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш, хорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда илмий-методик таъминотни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олдинда эса муҳим мусобақалар турибди. Ўзбекистон хотин-қизлар миллий терма жамоаси Осиё чемпионатининг финал қисмига чиқиш учун 1-9 июнь кунлари Иорданияда бўладиган саралаш турнирида қатнашса, 16 ёшгача бўлган қизларимиз 18-29 сентябрь кунлари Осиё чемпионатида тўп суради.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) жаҳон футбол жамоаларининг жорий йилдаги янги рейтингини эълон қилди. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг ЎФФ маълумотига асосланиб тарқатган хабарига кўра, рейтинг натижалари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 поғона юқорилаган.***

# ЎЗБЕКИСТОН ФИФА РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАБ БОРМОҚДА

555 балл билан 56 ўринни забт этган терма жамоамиз Осиё қитъасида тўртинчи ўрин билан пешқадамлар сафида бормоқда. Ушбу рўйхат бошида Япония терма жамоаси турибди. Умумий рейтинг рўйхатида эса японлар 21 ўриндан жой эгаллашган. Жанубий Корея ва Австралия терма жамоалари эса қитъамиз бўйича 2 ва 3-ўринларни банд қилишган.

Жаҳон футбол жамоаларининг умумий рейтинги пешқадамлигида ўтган йилги ҳолат сақланиб турибди. Хабарингиз бор, бу рўйхат бошида Испания терма жамоаси номи ёзилган эди. Шунингдек, янги натижаларга кўра, Германия ва Аргентина терма жамоалари кучли учликдан жой олган.

# МУРАББИЙЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***«Бунёдкор» спорт мажмуасида спорт мураббийлари иштирокида тадбир уюштирилди.***

Спортнинг барча турларида самарали фаолият олиб бораётган мураббийлар иштирокида уюштирилган ушбу тадбирдан мақсад юртимизда болалар спортига бугунгидан ҳам жиддий эътибор қаратиш, мураббийлар малакасини ошириш, мутахассисларни спорт оламида юз бераётган сўнгги янгиликлардан бохабар қилишдан иборат. Тадбир иштирокчилари 2012 йилда спорт ривожи йўлида амалга оширилган ишлар, спортчиларимизнинг эришган ютуқлари ҳақида атрофлича фикрлашишди. Жорий йил режаларини белгилаб олишди. Якунда эса бир гуруҳ мураббийларга сертификатлар топширилди.

***Февраль ойида Япониянинг Осака шаҳрида муз устида нафис учиш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади.***

# МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Ушбу турнирда қатнашиши кутилаётган ҳамюртларимиз жорий йилдаги илк ўқув-йиғин машғулотларини бошлашди. Кунига икки маҳалдан ташкил этилаётган машғулотлар якунланганидан кейин спортчиларимиз Японияга жўнаб кетишади.

***Маълумки, жорий йилда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларига саралаш турнирларида иштирок этади.***

# ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАДИ

Чунончи, жорий йилнинг 6 февралида миллий терма жамоамиз Тошкентда Гонконг миллий терма жамоаси билан Осиё чемпионатига саралаш турнири гуруҳ баҳсида куч синашади.

Бундан ташқари жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ баҳсларида миллий терма жамоамиз ливанлик, қатарлик, Жанубий кореялик чарм тўп усталарига қарши курашни давом эттиради. Ана шу учрашувларга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Миржалол Қосимов шогирдлари БААга жўнаб кетишди. Бундан мақсад терма жамоамиз аъзоларининг жисмоний, руҳий тайёргарлигини кўздан кечириш.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Маслаҳат бериш осон, амал қилиш қийин.**

* * *

**Миннатли таом юқмас.**

* * *

**Баъзилар бахт дарахтининг илдизига ўзи болта уради.**

* * *

**Кўпчилик бахти ёнида туриб, уни узоқдан излайди.**

* * *

**Нафс ичингга ғулғула солади.**

* * *

**Одам боласи кўпинча ўз бошига балони ўзи сотиб олади.**

* * *

**Бу дунёда ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам кам эмас.**

* * *

**Болангга қараб болалигингни эслайсан.**

* * *

**Бахтингни пайқамайдилар-у, бахтсизлигингдан оламга жар соладилар.**

* * *

**Ҳаракат қилган қуруқ қолмайди.**

* * *

**Дунёда фалон йил яшасангу ортингдан ҳеч нима қолдирмасанг, умрингнинг беҳуда ўтгани шу эмасми?**

* * *

**Шартни иш берувчи қўяди, ишга кирувчи эмас.**

* * *

**Ёмон билан яшаганнинг умри қисқа бўлади.**

* * *

**Югурган ўзади,**
**Ўтирган тўзади.**

* * *

**Бировларни ғийбат қилиб ёмон бўлгунча мақтаб яхши бўл.**

* * *

**Одамлар ўзларига дахли бўлмаган сўзни эшитмай қулоқларининг ёнидан ўтказиб юборадилар.**

* * *

**Ҳар тоифанинг ўз ҳаёти бор.**

* * *

**Қўрқоқ ҳаёт завқидан бебаҳра.**

* * *

**Бировни тушуниш учун унинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр.**

* * *

**Шошқалоқнинг ҳамма иши чала.**

* * *

**Самарасиз меҳнат инсонни адо қилади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илиқ, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12967 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ